

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**М.Ш. МАМАТКУЛОВ**

**КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ  
ТИЗИМИДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИ  
УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*Монография*

**Тошкент  
“ИQTISOD-MOLIYA”  
2021**

**УЎК: 338.465:005.7**

**КБК: 65.441**

**Такризчилар:** *и.ф.д., проф. С.Н. Ташназаров;*  
*и.ф.д., доц. О.Т. Астанакулов*

**М 23** **Коммунал хизмат кўрсатиш тизимида бошқарув ҳисоби услубиётини такомиллаштириш. Монография / М.Ш. Маматкулов;** – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2021. – 216 б.

Монография коммунал хизмат кўрсатиш тизимида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг назарий-услубий масалаларини ёритилишига бағишланган бўлиб, мамлакатимизда кўп квартирали уй-жойларни бошқарувчи корхоналарни шаклланиши ва ташкил этилиши, уларда бошқарув ҳисобини қўллашнинг назарий-услубий асослари ҳамда уларни такомиллаштириш йўналишлари негизида айрим назарий ҳамда амалий ҳулосалар берилган.

Бошқарув ҳисобининг замонавий шароитларда қўлланилиши, корхоналарда харажатларни оптималлаштиришга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилиш орқали юқори фойдага эришиш йўллари ва уларни услубий асосларининг муаммолари ҳамда ечимлари ёритиб берилишига ҳаракат қилинди.

Монография бухгалтерия ҳисоби, логистика, статистика, маркетинг, менежмент ва бошқа иқтисодий йўналишлар мутахассислари, шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талаба ва ўқитувчилари ҳамда кенг омманинг фойдаланишига мўлжалланган.

*Монография Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.*

**УЎК: 338.465:005.7**

**КБК: 65.441**

**ISBN 978-9943-13-996-1**

© М.Ш. Маматкулов, 2021  
© “IQTISOD-MOLIYA”, 2021

## М У Н Д А Р И Ж А

<b>КИРИШ</b> .....	4
<b>I БОБ. КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ</b>	
1.1. Ўзбекистонда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати ва хорижий тажрибаларни қўллаш.....	6
1.2. Коммунал хизмат кўрсатиш тизимида бошқарув ҳисобининг назарий-услубий асослари.....	21
1.3. Кўп квартирали уйларни бошқариш усуллари таҳлили.....	34
I боб бўйича хулоса.....	68
<b>II БОБ. УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ ВА БОШҚАРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
2.1. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари бошқарув ҳисобида аъзолик бадаллари, тушумлар ва харажатлар ҳисобини ташкил этиш.....	71
2.2. Бошқарувчи ташкилотлар бошқарув ҳисобида даромадлар ва харажатлар ҳисобини ташкил этиш.....	91
2.3. Кўп квартирали уйларни самарали бошқаришда бошқарув ҳисоби услубиётини такомиллаштириш.....	107
II боб бўйича хулоса.....	119
<b>III БОБ. ЯГОНА ҲИСОБ-КИТОБ МАРКАЗИДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</b>	
3.1. Ягона ҳисоб-китоб марказида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг назарий-услубий асослари.....	121
3.2. Ягона ҳисоб-китоб марказида ҳисоб фаолиятини ташкил этиш хусусиятлари.....	134
3.3. Ягона ҳисоб-китоб марказида корхоналарнинг ҳисоб сиёсатини шакллантириш услубиёти.....	145
III боб бўйича хулоса.....	156
<b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР</b> .....	159
<b>Фойдаланилган адабиётлар</b> .....	165
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	177

## КИРИШ

Ўзбекистон иқтисодиётини рақамли иқтисодиётга ўтказиш даврида аҳоли фаровонлигини ошириш, уларнинг иқтисодий жиҳатдан юксалтириш, мамлакатда фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий-иқтисодий ва молиявий хўжалик фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда уларда замонавий бошқарув тизимларини жорий этган ҳолда самарали ва истиқболли чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш масалалари ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Хусусан, уй-жой коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналарда бошқарув тизимини тубдан ислоҳ этиш, аҳолига юксак коммунал хизматларни тақдим этиш ва истеъмолчилар ўртасида истеъмол маданиятини юксалтириш каби муаммоларни ечимларига қаратилган илмий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ этиш бутун мамлакат иқтисодиёти бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг муҳим қисми ҳисобланиб, ушбу масаланинг долзарблиги унинг ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади. Шунинг учун, бугунги кунда кўп квартирали уйларга коммунал хизматлар кўрсатиш бозорини ривожланиши тармоқ корхоналарида бошқарув ҳисобини самарали юритиш масалаларини биринчи поғонага олиб чиқди.

Келтириб ўтилган муаммолар уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш тизимида ҳисоб жараёнининг усуллари ва услубиётини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради. Ислохотларнинг жадаллашуви тармоқ ўзини ўзи молиялаштириши ва харажатларини қоплай олиши даражаларини аниқлаш тармоқ корхоналарида бошқарув ҳисобини оптимал юритишга хўжалик юритиш жараёнларида самарали бошқарув қарорларини ишлаб чиқишга нисбатан янги ёндашувлар асосида олиб бориш кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини ортишига хизмат қилади.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятида бошқарув ҳисобини замонавий усулларини кенг кўламда қўллаш етарлича бўлмаганлиги ўз навбатида коммунал соҳада бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритиш учун ишлаб чиқилган назарий ва методологик база шакллантирилмаганлиги билан изоҳланади ва уй-

жой коммунал хизматлар кўрсатишга ихтисослашган ташкилотларда ушбу масалалар ҳанузгача ҳал этилмаган.

Ана шу жиҳатдан олганда, коммунал хизматлар кўрсатишга ихтисослашган ташкилотларда бошқарув ҳисобини самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқлиги тадқиқот ўтказиш мавзусини долзарблигини белгилаб беради.

Бугунги кун талабларидан келиб чиқсак, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимида бошқарув ҳисобини ташкил этиш, хусусан кўп квартирали уйларга коммунал хизмат кўрсатувчи уй-жой мулкдорлари ширкатлари, бошқарувчи ташкилотлар ва сув таъминоти ҳамда канализация корхоналарида бошқарув ҳисобини ташкил этиш, бошқарув ҳисобида логистика харажатларини мақбул вариантларда амалга ошириш ва уларни самарали бошқаришга оид мавжуд муаммоларни тадқиқ этиш ҳамда тегишли хулосаларни чиқарган ҳолда илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг ривожланиб бориши ва эркин халқаро иқтисодий ҳамкорлик жараёнининг кучайиши республикамизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларининг янги талаблар асосида фаолият юритишини тақозо этмоқда.

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида хўжалик субъектларининг пухта асосланган қарорларни қабул қилишида ишончли ахборотларга бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Ушбу монографияда кўтарилган долзарб масалалар зарурий ахборот таъминотида доимо келиб чиқадиган айрим муаммоларни ҳал этиш йўллари аниқлаш ва уларни амалга оширишга қаратилган.

# **I БОБ. КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Ўзбекистонда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати ва хорижий тажрибаларни қўллаш**

Бугунги иқтисодиётни глобаллашуви шароитида уй-жой коммунал хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг фаолияти ва молиявий ҳолатига назар солсак, уларнинг фаолиятини янада самарали бўлишини таъминлаш, бошқарув ва ташкилий-ҳуқуқий таъминоти, бошқарув ҳисобини тизимли ташкил этиш ҳамда молиявий кўмаклашиш муҳим масалалар ҳисобланади.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш иқтисодиётимизнинг, хусусан аҳоли яшаш пунктларида инсонларни яшаш шароитларини комплекс яратувчи ва бошқарувчи энг асосий бўғин ёки соҳа деб қарашимиз лозим. Умуман олганда, коммунал хизмат кўрсатиш тизимининг асосий хусусияти шундан иборатки, унда уй-жойдан фойдаланишда аҳоли эҳтиёжларини қондириш ва хизматлар кўрсатиш ҳисобланади. Шунга кўра, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ижтимоий соҳа эканлигини алоҳида таъкидлаш зарурдир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда айнан шу вазифадан келиб чиққан ҳолда, унинг ривожланиши ва фаолият юритишининг асосий омили – ижтимоий омил эканлиги келиб чиқади ва ўз навбатида фаолият олиб бориш самарадорлигини баҳолаш меъзонларининг хусусиятлилигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 – 2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори кўп хонадонли уй-жой фондининг техник ҳолатини тубдан яхшилаш ва ундан оқилона фойдаланиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини белгиланган муддатларда олиб бориш, шунингдек, кўп хонадонли уйларга туташ худудларни янада

**Маматкулов Муроджон Шукурович**

**КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИДА  
БОШҚАРУВ ҲИСОБИ УСЛУБИЁТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*Монография*

*Муҳаррир Ш. Базарова  
Бадий муҳаррир К. Бойхўжаев  
Компьютерда саҳифаловчи З. Улуғбекова*

Нашр лист. А1<sup>1</sup> 305. Босишга рухсат этилди 10.05.2021.  
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Шартли босма табағи 7,4.  
Ҳисоб-нашр табағи 7,6. Адади 100.  
-буюртма.

«IQTISOD-MOLIYA» нашриётида тайёрланди.  
100000, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 60а.

“HUMOYUNBEK-ISTIQLOL MO‘JIZASI” MЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
100000, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 60а.